

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 25-may, shanba № 39 (15677)

Navqiron avlod so'zi

Муносиб фарзанд бўламан!

Ёшлик киши ҳаётидаги ёрқин фаслдир. Ўн олти ёшли, тасвирий санъатга ошуфта тенгдошингиз сифатида мен бу даврни истиқлол ҳаётида улкан имкониятлар билан янада гўзал ўтказяпман. Юртимизнинг бетакрор жамолони, булутларга бўйлашган биноларимиз салобатини, бобо-момоларимизнинг нур инган чеҳрасию тенгдошларим табассумини мўйқаламда акс эттиряпман.

Тасвирий санъатга қизиқишим мени катта муваффақиятларга юзлаштирди. Бундан икки йил аввал «Тасвирий санъат+5» санъат ҳафталигида рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлгандим. Ўтган йили ва бу йил камтарона ижодий ишларим олтин медалга муносиб кўрилди.

Эсимда, илк бор ушбу санъат ҳафталигидан олтин медал билан уйга қайтганимда, бобом пешонамдан ўпиб, «Баракалла, ўғлим, бу охириги ютуғинг бўлиб қолмасин. Интилишдан тўхтамагин. Шукрки, биз кўрмаган имкониятлар сизларга муҳайё. Бу имкониятдан оқилона фойдаланиш эса, ўзингизга боғлиқ», деди.

Ўшанда ғалабадан сармаст бўлиб, бобомнинг бу сўзларига унчалик эътибор бермаган эканман. Кейинчалик вақт ўтиши билан бобом айтган сўзлар мағзини тобора чуқурроқ илғай бошладим. Зиммамда ота-онамга, халқимизга муносиб фарзанд бўлиш, бобом орзуидагидек инсон бўлиб камолга етиш масъулиятини туйдим. Шу ниятни кўнглимга тугиб, қатъий азму шижоат билан ижод қиляпман. Яқин кунларда Туркменистонда ўтказиладиган халқаро танловда иштирок этиш учун жиддий тайёрланыпман.

Ҳар бир ижодкор фақат гўзал, кишилар кўнглига хушнудлик улашувчи манзараларни асарларида акс эттиришни хоҳлайди. Мен ҳам йиғлаётган болани чизишдан кўра, кулаётган, юзи шодликдан порлаётган болакай қиёфасини чизишни яхши кўраман. Чунки чизилаётган ҳар бир асарнинг ижодкор руҳиятига, албатта, таъсири бор. Ғамгин юзларни, қоронғилик, мавҳумликни акс эттирган расом феъл-атворида тушқунлик намён бўлади. Чиройли манзаралар, нурли чеҳраларни чизгиларида кўрсатган расом ҳаётида хурсандлик бўй кўрсатади. Шу боис мен ҳам фақат яхши ҳолатларни, манзараларни мўйқаламда акс эттираман.

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт биз, ёшларнинг ижодий имкониятларимизни рўёбга чиқариш, янги марраларни забт этишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, тенгдошларимизнинг барча соҳадаги изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилаётган шароитлар ҳам айнан биз яшаётган шуқуҳли, дорилон кунлар шарофатидир.

Худоёр ОТАМУРОДОВ,
Бухоро вилоят ихтисослаштирилган амалий ва тасвирий санъат мактаб-интернати ўқувчиси



4-, 5-бетларга қаранг

Сардор Муллажонов фотокolleжи

Tashabbus

Билим ва истеъдод учрашуви

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Риштон тумани кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, ички ишлар бўлими, касб-ҳунар коллежлари, корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида қатор танловлар, спорт мусобақалари ва турли акциялар ўтказиляпти.

Яқинда тумандаги тиббиёт коллежида етти академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўртасида «Билим ва истеъдод» шиори остида ёшлар

фестивали бўлиб ўтди. Истеъдодли ёшларнинг ижодий ишлари, илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини намён этишга қаратилган маз-

кур фестивалда «Соғлом турмуш тарзи асослари ва маданиятни шакллантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий анжуман, «Заковат» интеллектуал беллашуви ва бир қатор спорт мусобақалари ташкил этилди.

— Мазкур ёшлар фестивали бундай кенг қамровли тадбирларнинг бошланиши, — дейди «Камолот» ЁИХ Риштон тумани кенгаши бош мутахассиси Нилуфар Абдуғаффорова. — Июнь

ойи якунига қадар тумандаги барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида акция доирасидаги тадбирлар янада тўлдирилган, бойитилган тарзда ўтказилади.

Бундай тадбирларнинг ҳар бир таълим муассасасида ўтказилиши ёшларнинг ўз истеъдод ва имкониятларини юзга чиқаришлари учун катта шароит яратади.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири



Буюк юртнинг муносиб фарзандлари

Сирдарё вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

Тилла балиқларию шириндан шакар қовунлари билан донг таратган Сирдарё бўйларида, вилоятдаги бободехқонлар гурунгида бўлиб, ёшлар кашфиётлари билан танишганмисиз? Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилаётган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали мана шундай имкониятларни яратди.



Сирдарёлик тенгдошларимиз фестивал доирасида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, турли кўргазмалар, спорт мусобақалари орқали пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ олимлар, ёзувчи-шоирлар, сенатор ва депутатлар, санъаткорлар, спортчилар ҳамда турли соҳа вакиллари билан учрашиб, дилдан суҳбатлашди.

ТАДБИРКОРЛИК САРИ ИЛК ҚАДАМ

«Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» номли тадбирда вилоятда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган касб-хунар коллежларининг 334 нафар битирувчисига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи банк сертификатлари топширилди. Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Ойбек Ашурматов Юртбошимизнинг ёшларга, уларнинг келажагини таъминлашга бўлган эътибори ҳақида тўхталиб, ёшларни унга муносиб бўлишга, шу муқаддас заминни обод қилиш борасида фидойилик кўрсатишга чақирди.

— Биз, ёшларга кўрсатилаётган гамхўрликдан мамнунмиз, — дейди Сайхунобод қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи битирувчиси Шаҳодат Туропова. — Менинг бизнес лойиҳамга «Микрокредитбанк» вилоят филиали томонидан имтиёзли кредит ажратилаётгани бунинг амалий натижасидир. Келажакда ўз бизнесимни йўлга қўйиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқчиман.

Тадбир давомида вилоятдаги кўзга кўринган тадбиркор, хунарманд, фермер, заргар ва бошқа йўналишларда ўз ишининг устаси бўлган ёшлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

— Кўргазмага устозим билан биргаликда ясаган ишларимни олиб келдим, — дейди ёш хунарманд Одил Аҳмедов. — Асосан, локли миниатюрада ишлайман. Турли қўтиларга расм чизаман. Чизган расмларим, асосан, мумтоз йўналишда бўлади.

МУТАХАССИСЛИК — СЕНИНГ КЕЛАЖАГИНГ

Бу йил Сирдарё вилоятида 13014 нафар ўқувчи умумтаълим мактабини битириш арафасида. Хўш, улар келгусида қандай академик лицей ва касб-

хунар коллежларида ўқимокчи? «Мутахассислик — сенинг келажагинг» кўргазмаси эса ўқувчиларнинг қандай касб танлашига кўмакчи бўлди. Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган мазкур кўргазмада 3800 нафар 9-синф битирувчиси вилоятдаги тўртта академик лицей ва 47 та касб-хунар коллежи фаолияти билан танишиб, ўз йўналишларини белгилаб олди. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари вакиллари ўзларининг кўргазмали чиқишлари, йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берди.

— Коллежимизда ёшларга саккизта йўналиш бўйича таълим берилади, — дейди Гулистон қурилиш касб-хунар коллежининг консалтинг маркази котиби Абдухофиз Аюбонов. — Бугунги кўргазмада 220 нафар ўқувчи коллежимизда таълим олиш истагини билдирди. Ёшлар вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятдан келиб чиқиб касб танламоқда. Бу эса, уларнинг келажақда ўз касбининг пухта эгаси бўлишга ҳозирданок жиддий киришганидан далолат беради.

Мирзаобод гидромелиорация касб-хунар коллежи томонидан кўргазмага қўйилган Япониянинг «Сар» фирмасида ишлаб чиқарилган мини трактор томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу трактор кичик хўжаликларда ишлашга мослаштирилган.

Кўргазма сўнигида касб-хунар коллежлари турли номинациялар бўйича тақдирланди.

ВИЖДОНЛИ СОТУВЧИ

Бугун бундай сотувчилар кўплаб топилди. Афсуски, айрим сотувчилар мўмайроқ пул топиш илинжида виждонига қарши ишларга ҳам қўл уришмоқда. Фестивалда ана шундай сотувчиларни аниқлаш, Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида Гулистон шаҳар деҳқон бозори ҳудудида таниқли санъаткорлар иштирокида «Виждонли сотувчи» акцияси ташкил этилди. Акция давомида давлат солиқ инспекцияси ва ички ишлар органлари вакиллари билан биргаликда ҳар бир туманда спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи дўконлар-

га рейдлар уюштирилди. Акция якунида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга аниқланган ҳолатлар юзасидан маълумотномалар киритилди.

ОММАВИЙ ТАХДИДЛАРГА ҚАРШИ

Сирдарё тумани, Гулистон, Ширин ва Янгиер шаҳарларида Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳамкорлигида таниқли шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада юлдузлари, расомлар, спортчилар, эл ардоғидаги машҳур кишилар иштирокида ёшларни «оммавий маданият»нинг турли ёт ғояларидан асраш, кадрларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар ва шарт-шароитларни кенг тарғиб этиш, ёшларнинг маънавий қиёфасини юксалтириш, улар ўртасида маърифий ишлар тарғиботини кучайтиришга қаратилган маънавият кечалари, учрашувлар ҳамда фильмлар намойиши ташкил этилди. Хусусан, «Оммавий тахдидлар ва ёшлар маънавияти» тарғибот лойиҳасида малакали сиёсатшунос, тарихчи ва психологлар «оммавий маданият» ниқоби остидаги ёт ғояларнинг миллий менталитетимизга таъсири ҳамда диний экстремизм, терроризм каби иллатларга чалинган кимсаларнинг асл мақсадлари ҳақида гапириб берди.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНИ

Боёвут, Сирдарё, Мирзаобод ва Ховос туманларида бўлиб ўтган «Президент асарлари билимдони» лойиҳасида Ўзбекистон Фанлар академияси ёш олимлари — Улуғбек Холмўминов ва Икром Азизов, ёш хонанда Динейра Хусейинова ҳамда Гулистон давлат университети проректори Равшан Маҳмудов ўқувчи-ёшларга Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ тушунириб беришди. Улар китобхон ёшлар орасидан Президент асарлари билимдонини ҳам аниқлашди.

Янгиер шаҳри ва Сирдарё, Гулистон, Сайхунобод тумани-



даги ёшлар «Сиз севган қахрамонлар» ва «Замонамиз қахрамонлари» лойиҳаси орқали ўзлари севган қахрамонлар билан учрашиб, дилдан суҳбат қуришди. Ёшлар даврасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилфуза Раҳимова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Аҳмадjon Ғофуров, ёш санъаткор Шербек Шодиев, шоирлар Умида Абдуазимова, Ҳаёт Шодмон бўлди. Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Оқолтин туманлари ёшлари эса ўзларини ўйлантираётган муаммоларни «Ҳоким ва ёшлар» учрашувида ҳал этишди. Шу билан бирга, мавжуд муаммолар ечими ҳақида таклифларини ҳам билдиришди.

Фестивалда меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари ҳам эътибордан четда қолмади. Улар учун Гулистон шаҳри, Боёвут, Гулистон, Сайхунобод туманларида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» лойиҳаси ташкил этилди. Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлганлар ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳамда ҳарбий хизматчилар ёдга олиниб, уларнинг оила аъзоларидан хабар олинди.

Худудларда халқимизнинг бой маданий меросини акс эттирган кўргазмалар, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи оммавий спорт тадбирлари ёшларнинг фаол иштирокида ўтди. «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шиори остида ўтказилган саломатлик тадбири таниқли санъаткорлар ва спортчилар иштирокида турли мусобақа ва акциялар тарзида ташкил этилди.

Ҳаракат етакчилари ва фаоллари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таъ-

лими муассасалари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган ёшларнинг фаол иштирокида бўлиб ўтган фестиваль тадбирлари шаҳар ва туман марказларидан тортиб, вилоятнинг энг олис маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига гача кириб борди.

Уч кунлик ёшлар фестивали гала-концерт билан ўз якунига етди. Унда «Энг намунали илмфан фидойиси ва тарғиботчиси» номинацияси (Маъруф Баҳриддинов, 2011 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган кимё фани бўйича 45-халқаро Менделеев олимпиадаси совриндори), «Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси» номинацияси (Сирожиддин Абдуғафоров, вилоят футбол федерацияси вице-президенти), «Ёшлар билан ишлашда энг фаол туман ҳокими» номинацияси (Мирзаобод тумани ҳокими Абдуманнон Хусанбоев), «Энг намунали ёш фермер» номинацияси (Боёвут туманидаги «Қамронбек Уролов» фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Рискулов), «Энг ёш тарғиботчи» номинацияси (Гулистон шаҳар 2-педагогика касб-хунар коллежи ўқувчиси Мафтуна Холмирзаева), «Энг ёш ҳуқуқ тарғиботчиси» номинацияси (вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси катта инспектори Салоҳиддин Абдурасулов), «Энг яхши маънавият тарғиботчиси» номинацияси (Гулистон давлат университети проректори Равшан Маҳмудов), «Энг намунали ёш ижодкор» номинацияси (Ихтиёр Воҳидов) ғолиблари тақдирланди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири.
Асал НЕЪМАТОВА



2013-yil — Obod turmush yili

Нукусда китоб байрами

Нукусда «Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор» шиори остида китоб байрами ўтказилди.

Инсон тафаккурини юксалтириш, онгу шууррига эзгулик уруғини сочишда китобнинг ўрни бекиёс. Президентимиз Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида ёшларда китобга меҳр уйғотиш, жамиятда китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган Китоб байрамлари ҳам бу йўналишдаги эзгу ишларга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла»

хайрия жамоат фонди, «Ўзкитобсавдотаъминоти» масъулияти чекланган жамияти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбирнинг очилишида китоб халқимиз маънавиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Байрам Оролбўйидаги нашриётлар, матбаа корхоналари томонидан чоп этилган адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар кўргазмаси билан бошланди. Ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарининг қорақалпоқ тилига таржима қилинган нусхалари ҳам китобхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

Тадбир доирасида «Китоб — миллатнинг бе-

бахо маънавий ва маданий мероси» мавзусида ташкил этилган учрашувда ёзувчи ва шоирлар ёш авлод тарбиясида китобнинг ўрни, китобхонлик, мутолаа маданияти хусусида фикр юритдилар.

— Тадбир доирасида «Энг яхши китобхон», «Китобхон оила» каби мавзуларда интеллектуал ўйин ўтказилиб, фолибларга янги китоблар совға қилинди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги директори П.Палимов. — Китоб графикаси бўйича рассомлар, муҳаррирлар билан ўтказилган ижодий учрашувларда ноширлик, матбаачилик ишининг бугунги ҳолати ва истиқболлари таҳлил этилди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири.

Мақсад Ҳабибуллаев (ЎЗА) олган сурат

«Universiada — 2013»

Спортчилар шайланишмоқда

Ёшлик, мардлик, бирдамлик ва гўзаллик байрами — «Universiada — 2013» спорт ўйинларининг республика финал босқичига мезбон — Бухоро вилояти спортчи-талабалари ҳам қизгин ҳозирлик кўраётир. Мақсад — мусобақаларда иложи борица яхши натижаларга эришиш.

— Мезбонликнинг ўзига яраша масъулияти бўлади, — дейди талаба спортчиларни теннис бўйича шуғуллантираётган мураббий Собир Очилов. — Шаҳримизга келган меҳмон иштирокчиларнинг иззатини жойига қўйиш, уларнинг муносиб иштирок этишларига кўмаклашишдан ташқари, стадионларга, спорт залларига ташриф буюрган мухлислар учун ҳам мезбон вилоят номидан яхши иштирок этиш масъулияти бор зиммамизда. «Universiada — 2002» спорт ўйинларида Бухоро давлат университетида учинчи курсда ўқирдим. Яққалик

баҳсларда иккинчи ўринни олганман ўшанда. Бугун шогирдларим ўзимнинг натижамдан кўра юқориқ кўрсаткичларга эришишни истайман.

Собир Қурбонов, Шавкат Шарипов, Соҳибжон Қосимов, Моҳира Ғофурова, Гулнора Шарафова сингари мураббийлар ҳам талаба-спортчиларни кураш, енгил атлетика, белбоғли кураш каби спорт турлари бўйича мусобақаларга тайёрлашмоқда. Хўш, машғулотлар ҳақида талабаларнинг ўзлари нима дейди?

— Машғулотлар кўнгилдагидек ўтмоқда, — дейди Бухоро давлат университети 3-курс талабаси Албина Гарифуллина. — Ҳеч ким мусобақага охириги ўринни олиш учун келмайди. Менинг ҳам мақсадим ғолиб бўлиш. Насиб этса, «Universiada — 2013» олтин медалини кўлга киритмоқчиман.

Ҳар бир иштирокчининг нияти ёруғ. Ажаб эмас, ана шу ният ва истаклар уларни зафарлар сари етакласа!

Лайло ХАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎТКИР ҲОШИМОВ

Ўзбек адабиёти ва санъати оғир жудаликка учради. Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов 2013 йил 24 май куни 72 ёшида вафот этди.

Ў.Ҳошимов 1941 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1964 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини тамомлади.

У меҳнат фаолиятини 1959 йили «Темирйўлчи» газетасида оддий ходим сифатида бошлади. Кейинчалик «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми» газеталарида хизмат қилди. Ғафур Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири каби масъул вазифаларда ишлаб, адабиётимиз ва матбуотимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Ў.Ҳошимов мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этди. 1995-2000, 2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси расми лавозимида фаолият кўрсатди.

Истеъдодли адиб ўзининг ярим асрлик ижодий фаолияти давомида «Муҳаббат», «Урушнинг сўнги қурбони», «Ўзбек иши» каби ҳикоялари, «Чўл ҳавоси», «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади», «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга кулоқ сол», «Дунёнинг ишлари» сингари қиссалари, «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» каби романларида даврнинг муҳим маънавий-ахлоқий масалаларини кўтариб чиқди. Ушбу асарлар миллий руҳи ва халқчилиги, ҳаётийлиги, ўзига хос ёрқин услуби билан кенг китобхонлар қалбидан жой олди.

Ў.Ҳошимов драматургия соҳасида ҳам самарали ижод қилиб, «Ҳазон бўлган баҳор», «Инсон садоқати», «Тўйлар муборак», «Қатағон» сингари долзарб мавзулардаги драматик асарларни яратди. Унинг жаҳон мумтоз адабиётининг сара намуналаридан қилган бадиий таржималари адабиётимиздан муносиб ўрин эгаллади. Айни пайтда, ёзувчининг қатор асарлари жаҳоннинг бир қанча тилларига таржима қилинди.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, А.ИКРОМОВ, Х.СУЛТОНОВ, М.АҲМЕДОВ**

«ЭЪТИРОФ — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди *Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда матбуот ва интернет нашрларда жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар кўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон стандартларига мос ривожланиши, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардош бўлиши, нуфузи ошишига кўмаклашиш, иқтидорли муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.*

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов номинациялари:

- энг яхши ижтимоий-сиёсий нашр;
- энг яхши иқтисодий нашр;
- энг яхши спорт нашри;
- энг яхши болалар нашри;
- газета-журналнинг энг яхши дивизиони учун;
- энг яхши интернет-агентлиги ва нашри.

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари

Ғолиблар 2012 йилнинг 1 сентябридан 2013 йилнинг 1 сентябригача олиб борган фаолияти натижаларига кўра аниқланади. Ғолиблар куйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

- нашрнинг ўз йўналиши бўйича омма-



Атоқли адиб мустақиллик йилларида, айниқса, ғайрат-шижоат билан ижод қилди. Бадиий асарлар билан бирга, маҳоратли публицист сифатида Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг эркин, озод ва фаровон ҳаётини, инсон қадр-қимматини тараннум этувчи «Она битта, Ватан ягона», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз», «Истиклолни асрайлик», «Кечани унутмаган бугунни қадрлайди» каби ўнлаб мақолалар эълон қилиб, кўпчилигининг эътиборини қозонди.

Ў.Ҳошимов тажрибали адиб, жонқур ташкилотчи сифатида маданий жараёнларда фаол иштирок этиб, халқимиз ўртасида миллий ғоя тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди. Кўплаб ёш истеъдод эгаларига тўзлик қилди.

Ўткир Ҳошимовнинг ўзбек адабиётини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони, Ўзбекистон Давлат мукофоти, «Меҳнат шухрати» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли ёзувчи, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ўткир Ҳошимовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

вийлиги;
— материалларнинг ранг-баранглиги ва долзарблиги;
— бадиий-эстетик безатилиши.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари ва тегишли идоралар вакилларидан иборат ҳайъат томонидан баҳоланади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган тахририятлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

Ғолибларни тақдирлаш

Танлов ғолиблари «Ўзбекистон Матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади.

Танловда қатнашиш учун аризалар 2013 йил 5 сентябргача куйидаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmfuz@inbox.uz, info@mmf.uz

Ташкилий қўмита

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ



Энг қувноқ ва безубор дамлар

Ўқувчилик йиллари инсон ҳаётининг ўзига хос босқичи. Масалан, мен бу йилларни ўзимнинг ўзлигимни толган, ҳаётда қандай йўлни танласам, ўзим учун яхши бўлишини англаб етган даврим деб ҳисоблайман. Мен шу даврда касбимни танладим, ҳаётим билимларимга пойдевор қўйдим. Болалик ва ўсмирлик йилларим ўтган ўқувчилик пайтларимни фақатгина ширин хотиралар билан эслайман.

ҚУВОНЧЛАР...

Болалигимда жуда шўх бўлганман. Мактабда ҳам бу одатимни ташламадим. Жуда уришқоқ, шаддод эдим. Ерга урса, кўкка сапчиди, дейишади-ку, шу

гап менга тегишли!

Онам мени пахта теримига, оромгоҳларга юборгиси келмасди. Чунки кўпинча кўчадан юзларим шилинган, қошларим ёрилган ҳолда кириб келарканман уйга! Болалигимда шўх эди, ўқувчилигимда ҳам шундай, узоққа борса, бирор қор-ҳолга йўлиқмасин, деб уйдан узоққа жўнатмасди онам. Эсимда, бир гал кўнғиз тутаман деб шунақанги йиқилганманки...

Лекин бир нарсадан ҳалигача ҳайрон қоламан ва кўнғим хотиржам ҳам бўлади. Синфдошларимга, дўсту дугоналаримга қанчалик шўхлик қилмай, ўқитувчилар олдида ҳаммаша одоб сақлар эдим. Фақат мен эмас, синфдошлар ҳаммамиз устозларимнинг ҳурматини жойига қўярдик. Гап қайтариш қаяқда? Шундай муаллимлар бўлардики, уларни узоқдан кўрсак ҳам жим бўлиб қолардик! Шундай салобатли, виқорли муаллимлар бўларди.

Баъзилар неча баҳога ўқиганини яширади. Лекин мен очинини айтаман. Математикадан аввалига «беш»га ўқирдим. Лекин синфдан-синфга у қийинлашиб борди.

Алгебра ўтила бошлагандан менинг баҳоларим ҳам пасайиб бошлаган. География, тарихдан эса яхши ўқирдим. География ўқитувчимиз Лола опа Жумаевани ҳаммаша эҳтиром билан эслайман. Ўзини тутуши, кийиниши, юриш-туриши, муомаласи ўқувчиларга ўрнак эди.

Муסיқадан, табиийки, фақат «беш» олганман. Она тили ва адабиётдан ҳам аъло баҳога ўқишга ҳаракат қилардим.

АФСУСЛАР...

Ўйлаб кўрсам, мактабда афсусларли иш қилмаганман. Тошкент маданият коллежида эса... Набижон Эрматов деган ўқитувчимиз ўқувчи қизларнинг шим кийганини ҳеч қабул қилолмасди. Мен эса кишининг совуқ кунларида шим кийардим.

— Лола, агар машҳур хонанда бўлиб кетиб, телевизорда чиқсанг ҳам кўрмайман, — дердилар жаҳл билан.

Яқинда шу устозимиз билан кўришиб қолдим. Очик чехра билан гапирдилар. Мен ҳам у кишини кўрганимдан хурсанд бўлдим. Ораимизда хафагарчилик қолмаган экан.

МАКТАБДА САЎНГГИ ҚУНҒИ...


Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги 5-мактабда ўқиганман. Мен мактабни битираётган вақтларда «Эй, синфдош!» кўшиғи урф эди. Уша кўшиқни айтганимда баъзи синфдошларим ва ўқитувчилар ҳам йиғлаган. Кейин, орадан анча пайтлар ўтгач ҳам ўқитувчиларимиз мени кўрса, ие, ҳаммани йиғлаган қизимиз-ку, деб гапириб юришди.

Бугун синфдошлар, табиийки, тез-тез кўришиб туришга вақт тополмаймиз. Ҳаммамнинг ўз ташвиши, рўзғори бор. Лекин телефонда кўп гаплашиб, суҳбатлашиб тураемиз. Мактаб давримизни эслаб гоҳ кулаемиз, гоҳ соғинчдан кўзларимизга ёш келади. Кадрдон даргоҳда, эх-хе, қанча-қанча хотиралар қолмаган, дейсиз.

БЎЗҒИНИ ЎҚУВЧИ ВА БИТИРУВЧИЛАРГА

Сизга жуда ҳавас қиламан! Жуда катта имкониятларга эгасиз, бетақрор шароитларда илм олаясиз. Улар биз ўқиган йилларда ҳам йўқ эди. Давлатимиз яратиб берган шароитлардан самарали фойдаланиб, етук инсонлар бўлиб етишинг.

Битирувчиларга айтадиган гапим: сиз катта ҳаёт остонасидасиз. Улкан орзулар сари қадам қўяясиз. Бу қадамнингиз қутлуғ



бўлсин. Ҳаммаша шу гўзал Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлинг, унинг ривожига катта-катта ҳиссалар кўшиб юринг.

Лола АХМЕДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

УМРНИНГ ОҚ ПАЛЛАСИ

Гурс-гурс уради юрак,
Ортиб борар ҳаяжон.
Кўксимда ойдin тилак —
Улғайибман, онажон!

Қатта ҳаёт йўлида,
Ёниб турар шамчиноқ.
Қалтирама кўлимда,
Чамна қол, кўнғироқ.

Қуёш менинг кўксимда,
Кўкдаги қуёш эмас.
Дўстим, сира ўқсима,
Ахир, бу кўза ёш эмас.

Бу — ҳаётнинг хур тонги,
Умрнинг оқ палласи.
Тингла, кўнғироқ бонги —
Она ҳаёт алласи.

Санжар ТУРСУНОВ

Мени унутма, синфдош!

Биринчи синфга борган ва мактабни битирган кунимни ҳар бир соати, дақиқасига аниқ-тиниқ эслайман. Бундай кунлар инсон хотирасига чуқур муҳрланар экан.

Айниқса, охириги кўнғироқ... Бугун, қанийди, ўша кун яна қайтиб келса, дейман. Йигитлар, қизлар ораста кийинишган, кўлида устозга аталган гул, ҳаяжон билан туришлар. Бир-бирларига ҳазил-хузул қилишса-да, кўнгилларидан нима ўтаётгани фақат ўзларига маълум, қулгандек бўлиб турса-да, аслида, айрилиқ олдида йиғидан зўрга ўзини тутиб турган кўзлар... Улар бир-бирларига гўё худди кўшиқдагидек, «Мени унутма, синфдош» деяётгандек эди.

Бугун ҳамма улғайган. Ҳаётда ўз ўрнини топиш учун ҳаракат қилмоқда. Кимдир меҳнат қилаяпти, кўпчилик институт ва университетларда таҳсил олаётир. Бироқ ҳаммамизнинг дилимизда бир туйғу бор эканига шубҳа йўқ. Бу — соғинч! Қутлуғ даргоҳ, у ерда кенган бетақрор онлар соғинчи.

Мен сизларни унутганим йўқ. Сиз ҳам мени унутманг, кадрдон синфдошларим!

Сайёра ЗУПАРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси



Сўнги кўнғироқ ҳаяжони

Сўнги кўнғироқ байрами арафасида паспорт олдим! Бу ҳужжатни олдин фақат катталарда, ота-онам, ака-опаларимда кўрардим. Энди менинг ҳам паспортим бор!

Тўққиз йил шунча тез ўтиб кетади, деб ўйламаганим. Худди кунни кеча мактабга келиб, бугун бу ерни тарк этаётгандайман.

Шу кунларда кўнғимдан кечаётган гапларни айтиб тугатолмайман. Олдимда катта йўл турганини ҳис қилишнинг ўзи қалбимни ҳаяжон ва қувончга тўлдирмоқда.

Инглиз тили, тарих ва физика фанларига қизиқаман. Мақсадим бу фанлардан билимимни янада мустаҳкамлаш. Ҳарбий-ликка ҳам қизиқишим балинд. Насиб бўлса, қайси соҳада бўлмай, Ватанимизга чин юракдан хизмат қилмоқчиман. Тўққиз йил таълим берган устозларимга мингдан-миг раҳмат!

Шаҳзод АБРАҲМАТОВ,
Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги
20-мактаб битирувчиси

Мактаб

Мактаб, сен менинг ҳаётимда, хотирамда ўз ўрнинга эгасан. Болалик чоғимда қандайдир қувонч, ҳаяжон, кўрқув ила остонанга қадам қўйгандим. Мени қайноқ бағринга олар экансан, биринчи кунданоқ ажойиб совғаларни ҳада этдинг. Биринчи кўнғироқ, илк сабоқлар, биринчи муаллим ва партадошим — қувноқ қизалоқ...

Сенинг бағрингда ўзга оламга тушиб қолгандек сезардим ўзимни. Ҳамма-ҳамма нарсга менга ажойиб ва қизиқ тўраларди. Уйга қайтгач сендан олган таассуротларимни барчага айтиб тугатолмаганларим ҳали-ҳамон ёдимда. Кунчиғинда йиллар ўтгани сайин қандай қилиб улғайиб қолганимни ўзим ҳам сезмадим. Кечагина ўзимиз ўтирган парта-лар бугун кўзимга кичкина кўри-нади. Баъзан танафус вақтлари

хоналарингда, йўлакларингда қувлашмачоқ ўйнаб, устозлардан эшитган танбехларимиз бугун қулоғим остида мақтовлардек жаранглайди. Сендан олган сабоқларим келажакимда бу қадар асқотишини билганимда, бу сабоқларнинг бир заррасини ҳам унутмаган бўлардим. Бағрингда ўтган тўққиз йиллик ҳаётимдан қолган эсдаликлар тўққиз асрга еттулик. Сўнги кўнғироқни эслайсан-

ми, жонажон мактабим? Хайрлашув кўшиғи янграганда йиғламаган ўқувчи қизларим, назаримда. Мен ҳам кўз ёшларимни тия олмай, тўйиб-тўйиб йиғлагандим. Сен менга тақдим этган ҳар бир кунни, ҳар бир воқеани энтиқиш билан эсга оламан, қалбим ҳаяжонга тўлади. Мана, бугун яна бағрингдаман. Нега мени илгаридек қутиб олмансан? Қани ўша кечагина қувлашиб юрган дамларимиз?

Қани ўша жажжи қизалоқлар, шўх-шодон болакайлар? Афсус, ўтган дамларни қайтариб бўлмайди. Мўъжиза рўй берса-ю яна ўша дамларга қайтиб қолсам эди, бағрингни ҳеч қачон тарк этмасдим. Лекин буни иложи йўқ, у кунларни мен хотирамда жонлантира оламан, холос.

Гулираъно ОРИФЖОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Дўстларим даврасига ошиқаман!

Тенгдошимиз, ёш истеъдодли актёр Дилшодбек Каттабеков ўқувчилик йиллари ҳақида

Ўқувчилик йилларим қизғин ўтган. Ҳозир эласам, юрагим ҳаприқади.

1997 — 2005 йилларда Тошкентдаги Успенский номидаги муסיқа мактабида ўқиганман.

Фақат «беш»га ўқиганман, десам, сал бўрттирган бўлман, йигитнинг баҳоси билан мактабни битираман. Бироқ Успенский номидаги академик лицейни тугатганимда, диплом иловамда бирорта ҳам «уч» бўлмаган. Ҳамма баҳоларим фақат «тўрт», «беш» бўлган. Баҳога қизиқмаганман. Сабаби, санъатдан бошқа нарса ҳақида ўйлашга вақт ажратолмаганман.

Агар ўқувчилик давримга қайтиш имкони бўлганда, алгеб-

ра фанидан зўр ўқиган бўлардим. Бу ҳақда баъзан ўйлайман ҳам. Бир манда шундай бўладими, десам, бошқа таниш санъаткорлар ҳам мен каби она тили ва адабиётга қизиққан, аниқ фанларда «бундайроқ» ўқиган экан. Аслида, мактабда ўтиладиган ҳар бир фан ўқувчининг келажак учун муҳим. Ўқувчи кейинчалик лаёқатига, қизиқишига қараб, улардан бир ёки бир нечтасига қизиқиб, ихтисослашади.

Сўнги кўнғироқ хотиралари... Менимча, мактабда ўқиган ҳар бир инсон бир умр ўша тақрорланмас лаҳзалар хотираси билан яшаса керак. Ҳар йили 25 майда хиёбонларда, кўча-кўй ва мактаблар олдида кўксига кичкина кўнғироқ ёки «битирувчи» сўзи

туширилган узун тасма тақиб олган ука-сингилларимни кўрсам, улар орасида бўлиб қолгим, ҳаяжонларига шерик бўлгим келади. Бироқ энди ўқувчиликка қайтиб бўлмайди, олдида келажак, катта мақсадлар кутаяпти. Шу боис ширингина энтиқиб, йўлда давом этаман.

Синфдошлар билан йиғилиб тураемиз. Ўқувчилик йилларимизни, у билан боғлиқ қизиқ воқеаларни эсга олиб, гўё мактабга қайтгандек бўламиз. Тўғри, бу учрашуларда мен кам бўламан. Сабаби, сўемкалар, санъатга боғлиқ юмушлар вақтини кўп олади. Бироқ имкон қадар синфдошларим даврасида кўпроқ бўлишга, улар суҳбатини олишга ошиқаман.



Қадрият, дўстлик ва бирдамлик тараннуми

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан вилоят маданият ва спорт ишлари, ички ишлар, ўрта махсус, касб-хунар ва халқ таълими бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳамкорлигида «Биз, ёшлар миллий қадриятларни қадрлаймиз!» шиори остида Фарғона водийси ёшлари иштирокида фестивал ўтказилди.

Ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий қадрият ва урф-одатларимизни юксалтириш, миллий халқ ўйинларини кенг тарғиб этиш, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслик, иқтидорлилар сафини кенгайтириш мақсадида ташкил этилган ушбу фестивал бир неча лойиҳаларни қамраб олди.

— Кўшиқ инсон қалбидаги ажиб туйғуларни уйғотади, — дейди Фарғона санъат коллежи ўқувчиси Элмурод Тўхтасинов. — Ўзбек халқ кўшиқлари асрлар оша миллийлигимизни тараннум этиб келмоқда. Фестивалда «Омон ёр», «Наманганнинг олмаси», «Етақлаб ўт» каби фольклор кўшиқларимиз билан иштирок

этдик. Наманганга биринчи келишим. Бу ердаги тенгдошларим билан суҳбатлашиб, уларнинг иқтидори ва салоҳиятига қойил қолдим. Фестивал баҳона қадрдон дўстларга айландик.

«Камолот» ёшлар боғи ҳар қачонгидан гавжум. «Миллий қадриятлар — менинг нигоҳимда» мавзусидаги расмлар танлови, «Соғлом турмуш тарзи — бахтли келажак пойдевори» кувноқ стартлар ва арқон тортиш мусобақалари, «Соплак» ўйини, баҳру байт ҳамда миллий маданий марказлар кўргазмалари намойишида фақатгина «Камолот»чиларнинг эмас, барча ёшларнинг фаоллигига гувоҳ бўлдик.

— Бундай лойиҳалар ёшларнинг бўш вақтларига мазмун



бағишлабгина қолмай, улар орасида соғлом турмуш тарзини ҳам шакллантиради, — дейди Андижон давлат тиббиёт институти талабаси Ирода Парпиева. — Маънавиятимизга хавф солаётган «оммавий маданият», ахборот хуружлари, диний экстремизм ва ақидапарастлик каби ёт ғоялар домига тушиб қолмаслигимизда, истеъдодимизни кўрсатишимизда бундай фестивал ва тад-

бирларнинг аҳамияти юқори.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Наманган бўйлаб саёҳатга чиқишди. Улар вилоятда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари, барпо этилаётган бинолар ҳамда «Кичкинтойлар» боғи, «Баркамол авлод» спорт мажмуаси ва «Ёшлар маркази»да фаолият олиб бораётган тўғарақлар билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг иштирокчилар «Ёшлар маркази»

қошидаги кўғирчоқ театри жамоаси томонидан саҳналаштирилган «Қайсар малика» спектакли ва иқтидорли, қўли гул қизлар яратган миллий либослар кўргазмасини томоша қилишди. «Бахтли болалик — нури келажак» шиори остида уюштирилган концерт эса фестивалга яқин ясади.

Ойдина РЕЖАББОВА,
Наманган вилояти

Таҳрир

Бахт ўзи нима?

Имтиҳон жавоблари эълон қилинган кун. Юрагимда ин қурган умид мени беихтиёр имтиҳон жавоблари осилган доска томон етаклади. Ёш юрагимда ҳис қилдимки, гўё ҳаёт-мамотим айни шу лаҳзаларга боғлиқ. Бирдан эътиборим кўнгириқ сочили бир қизга тушди.

«Орзуимга эришдим, уч йил деганда, охири талаба бўлибман», дейди ўзига ишонқирамай. «Мен-чи, менинг тақдирим қандай кечди?» деб тест рақамимни кўздан кечираман. Кейин ўзимни осмонларга отгим, дунёларни кучгим келди. Уша он ҳаммага баралла, мен ҳам талабаман, деб ҳайқаришни истардим. Кутилмаган бахт мени гангитиб қўйди. Хаёлимда шамоллар сочимни тортиб ўйноқлаётгандек. Бирдан телефон жириглади: «Уйга тез етиб кел, бувангни бериб қўйдик, қизим. Самарқандга кетамиз», деди онам. Аянчли, шумхабар қалбимни тилка-тилка қилди. Гўё осмон узилиб ерга қулади. Мен учун дунёдаги қадрили инсоним — бобожоним... Йўқ-йўқ, бўлиши мумкин эмас! Онаминг сўзларига ишонгим келмасди. Бугунги муваффақиятимни у билан баҳам кўришни қанчалар истардим-а, афсус, бу кувончли хабарни етказиш менга армон бўлиб қолди. Инсоннинг бахт ва бахтсизлиги худди эгизакдай ёнма-ён юрар экан-да. Кечагина ўқишга қираманми, йўқми, деган хавотирли ўйда эдим. Бугун талабалик бахтига муяссар бўлдим. Унинг изидан бу хабар...

Мана, улғайиб ҳам қолдим. Аммо ўша — бувамни йўқотган ва бир вақтнинг ўзида талабалик бахти насиб этган кунни хотирласам, кўзимга ёш келади. Унда кувонч ҳам, ҳасрат ҳам бор.

БУВИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Бахт бирлик, аҳиллик, ҳамжихатлик, тоғувлик бор жойни излайди. Одамзот эса,

шошқалоқ юрагини қўлтиқлаганча ҳали-ҳали ўз бахтини қидириш билан овора. Бу мавзу инсон яралибдики, ҳануз эскирмайди, тугамайди. Адиб Асқад Мухтор айтганидек, тангри инсониятни бир умр бахт излаб яшаш тақдири билан сийлаган. Ҳар бир ҳаракатимиз замирида бахтга, хотиржамликка интилиш мақсади ётади.

Албатта, бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади. Баъзан дугоналарим билан шу ҳақда баҳслашиб қоламиз. Хужжатларини институтга топширган Шаҳноза ўқишга кирса, ўзини бахтли сезишни яширмайди. Яна бир синфдошим ўзига муносиб йигитни учратса, бахтиёр бўлажагини айтади.

Хуллас, бахт тушунчаси турлича. Мен тўқсон ёшли бувимнинг сўзларига қўшиламан. Меҳрибон бувим пешонамдан ўпиб, сочимни силаб шундай дейдилар: «Менинг бахтим — сиз, азизларимсиз. Сизларни кўриб яйраб, яшариб кетаман. Илоё бахтли бўлинглар!»

Балки бувимнинг ёшларига етганимизда биз ҳам бахтни шундай талқин қилармиз.

САҲРОНИ СИЛКИТГАН БАХТ

Саҳрода кезиб юрган оч бўри атрофга олазарак тикилади. Бирор ўлжа келиб қолишига умид боғлайди. Ҳеч бўлмаганда тўдага қўшилиб олганида ҳам ошиғи олчи эди. Аммо бу бўри бошқача. Ёлғизликни хуш кўради. Насибасини биров билан бўлишишни истамайди.

Йиртқич учун очлик инстинкти ниҳоятда зарур, чунки айнан шу очлик уни ҳаракат қилишга ундаб, ҳаёт кечиршига бош омил ҳисобланади. Бир ўйлаб кўринг-а, тўқлик, аслида, бир бахтсизлик, очлик эса бахт эмасми? Нега, дейсизми, чунки қорни тўқ, усти бут одам ҳеч қачон ортиқча хоҳиш-эҳтиёжларини қондиришга интилмайди. У бир нуқтада қотиб қолади. Оч киши эса, нима қилиб бўлса-да, тўқ бўлишга уринади. Қизик фалсафа-я? Айни шу ҳаракат охири ўз самарасини беради.

Одина ҚУЛМУРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Menga so'z bering

Жойларда сувнинг исроф этилаётганига жуда кўп бор кўзимиз тушади. Маҳалламиздаги чиқинди ташлайдиган жойда эртаю кеч қувурдан сув оқиб туришидан, энг ёмони, бунга ҳеч кимнинг эътибор бермаётганидан кўнглим ғаш бўлди. Бир неча марта ўша ердаги хизматчиларни бориб огоҳлантирдим.

Ҳар томчиси олтинга тенг

Биз сувни ўчириб қўйсақ ҳам, бошқалар келиб очиб кетаверади, деган жавобни олдим. Оқиб турган сувнинг ҳажмини соатга қараб ҳисоблаб кўрдим. Бир дақиқада ўн литр сув исроф бўлар экан. Энди шу ҳажми бир соатга кўпайтириб ҳисоблаб кўрамиз. Ва олти юз литр сувнинг оқиб кетаётганига, бир кеча-кундузда эса, 14,4 тонна сувнинг беҳуда сарфланаётганига гувоҳ бўламиз. Энди эса, ўйлаб кўринг, дунёнинг қанчадан-қанча аҳолиси томчи сувга зор бўлиб турган бир пайтда тонналаб тириклик манбаи исроф бўлаётир.

Атрофимиздаги ҳар бир ҳодисага жамиятимиз аъзоларининг дахлдорлиги кичикдек кўринган ана шундай воқеа-ҳодисаларга эътиборли бўлишдан бошланмайдими? Турмушимизнинг, шахар-қишлоқларимизнинг ободлиги ҳар биримизнинг огоҳлигимиздан, ҳушёрлигимиздан бошланишини унутмаслигимиз лозим. Келгуси авлодлар олдида масъуллик, табиий неъматларни бекаму кўст асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Инобат МАТЁҚУБОВА

Ma'naviyat

Доно халқимизнинг бағоят ибратли қадриятлари орасида китобга муносабат борасидаги қарашлар, ҳаётий тажрибалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Буни англаш учун анъанавий тарбия ва халқ оғзаки ижодининг китоб, китобхонлик борасидаги саҳифаларини кўздан кечириб кифоя.

Буюк кашфиётлар калити

Китобнинг пайдо бўлиши — инсоният ҳаётидаги фавқулодда ижтимоий ҳодиса. Унда оддий кишилардан тортиб, то бутун жамиятнинг маънавий ҳаёти, ўй-фикрлари, дунёқараш ва кечинмалари акс этади. Ёшлар тарбияси нуқтаи назаридан китоб фақат билим манбаи бўлиб қолмай, айни чоғда ақлий юксалиш воситаси ҳамдир. Китоб қанчалик чуқур илмий асосда, ўқувчи қалбидан шунча тез жой олади, унинг камолотига ижобий таъсир этади.

Халқимизнинг анъана-

вий тарбия усулларида китоб инсоннинг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва турфа биллардан манбаи сифатида улугланади. Шунингдек, китоб — хазиналар калити, тафаккур булоғи; китоб нондек азиз ва мўътабар, деган қарашлар замирида халқимизнинг китобга меҳри, эҳтироми мужассам. Халқимизнинг қадимдан китобни ҳаёт дарслиги, одоб-ахлоқ дастури деб билгани ҳам шу эҳтиромнинг мантиқий давомидир.

Ота-боболаримизнинг китобга, илм-фан, адабиёт ва санъат аҳлига

бўлган меҳр-муҳаббатини доноларнинг китоб ҳақидаги ўғитларидан, халқимизнинг анъанавий тарбия усулларида акс этган китоб билан боғлиқ турли фикрларидан ҳам бириш мумкин.

Китоб азалдан илм-маърифат манбаи, одоб-ахлоқ дастури бўлиб келган. Шу боис ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Шоира ДАВЛАТОВА,
Самарқанд темир йўл
транспорти касб-хунар
коллежи ўқитувчиси

Мақсад — одамларга қулайлик яратиш



хўжалик бинолари бор. Савдо комплексининг бош лойиҳасини кўздан кечирсангиз, тадбиркорлар ва харидорларга барча қулайликлар яратилганига гувоҳ бўласиз. Бозорнинг ташқи қиёфаси ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради, техник ҳолати, харидорларнинг эркин ҳаракатланиши ва савдо қилиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташқи ёритиш тармоғини янги, энергия тежовчи технологиялар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Тадбиркорларга қулай бўлиши учун шартномага асосан, савдо дўкони умумий қийматининг ўн беш фоизи олдиндан тўланади. Қолган қисми белгиланган жадвал асосида ойма-ой тўлаб борилиши режалаштирилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида янги савдо комплекси қурилиши бошланиши муносабати билан йигирмата ишчи ўрни яратилиб, аҳоли бандлиги дастурига киритилган вазифалар бажарилади. Жорий йилнинг март-апрель ойида уч нафар ишчи ўрни яратилиб, ходимлар ишга қабул қилинди.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганига 22 йил тўлади. Ана шу санани муносиб кутиб олиш мақсадида Фиждудон «Хўжаи жаҳон буюм бозори» МЧЖ жамоаси бунёдкорлик, тадбиркорлик ва ободонлаштириш ишларини изчил олиб борапти. Шаҳар қиёфасига янада кўркамлик бахш этиш, ҳуснига ҳусн қўшиш учун бор имкониятлар ишга солинапти. Биз бозор жамоаси фаолияти ҳақида бир шингил сўз юритдик, холос.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Тараққиёт мўъжизага ўхшайди. Кечагина ушалмас орзудай кўринган нарсаси — бугун оддий бир ҳодиса. Салобатли, тартиб билан қурилган бежирим иншоотлар, замонавий дўконлар, хизмат кўрсатиш объектлари, кенг ва раво йўллар — буларнинг бари тараққиёт меваси, албатта. Улар бизнинг оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилиш мақсадида барпо этилмоқда. Бозорларни айтмайсизми, бир-биридан чиройли ва қулай расталар, текис, озода йўллар... Улар сотувчи ва харидор эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиляпти.

Фиждудон бозорлари азалдан юртимиз бозорлари орасида ўзининг мустақам ва муносиб ўрнига эга бўлиб келган. Фиждудон «Хўжаи жаҳон буюм бозори»да ҳам «Обод турмуш йили» давлат дастурини бажариш бўйича бир қатор режалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Жумладан, жамиятда ишловчи, уй-жойга муҳтож икки нафар оила соҳибига имтиёзли кредитлар асосида намунали уй-жойлардан олишга кўмаклашилди. Бозор атрофидаги «Памуза» МФЙда яшовчи тўрт нафар ёлғиз қарияга доимий ёрдам кўрсатиб келинмоқ-

да. Аҳоли саломатлигини таъминлаш дастурига асосан, кам таъминланган икки нафар аёл ва бир оиланинг саломатлигини тиклаш мақсадида имтиёзли равишда санаторийларга юбориш режалаштирилди. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни ва Наврўз байрами муносабати билан жамият ишчи-хизматчилари ва кам таъминланган оилаларга 5,5 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳозирда фаолият юритаётган буюм бозорини замон талабларига мос равишда қайта қуриб, савдо комплексига айлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида туман ҳудудида янги «Хўжаи жаҳон» савдо комплекси қурилиши бошлаб юборилди.

«Хўжаи жаҳон буюм бозори»га қарашли янгидан қурилиши режалаштирилган савдо комплекси учун Фиждудон шаҳар Юсуф Ҳамадоний кўчасидан 10,5 гектар ер майдони ажратилиб, ҳозирда барча лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди.

Янгидан қурилиши режалаштирилган ушбу савдо комплексининг умумий қиймати 24 миллиард сўмни ташкил этади. Савдо комплекси тасарруфида мингта турғун савдо дўкони бўлиб, улардан ташқари икки қаватли маъмурий бино, милиция ва солиқ таянч пунктлари, мини банк филиаллари, 32 ўринга мўлжалланган меҳмонхона, автотураргоҳ,

ҲАЁТ ГУЛЛАРИ

Йигитлар гурури, ҳаёси — аёл,
Ошуфта кўнгиллар навоси — аёл,
Хаста дил малҳами, давоси — аёл,
Бегона кўзлардан асрасин сизни.

Жаннатга бошлармиш оналар изи,
Эзгуликдан дарак айтган ҳар сўзи.
Бу ҳаёт гули у, ойи, юлдузи,
Бегона кўзлардан асрасин сизни.

Унга ишқ, вафони айлангиз паноҳ,
Юрган йўлларидан бахт бўлсин ҳамроҳ,
Аёлсиз севги ҳам, яшаш ҳам рўё,
Бегона кўзлардан асрасин сизни.

МУҲАББАТ

Муҳаббат дегани ажиб бир дунё,
Унга етолмасанг гар, тордир дунё.

У асли индиран ҳаётга маъно,
Ишқ ила яралган бу олам, илло.

ЎРИНСИЗ РАШК

Беҳуда рашк, билсанг бир куни,
Мени сендан айро этади.
Кўз олдимда етаклаб сени,
Ўзи билан олиб кетади.

СЕВГИ

Нигоҳларим фақат сенга интизор,
Келиб зимистонни айлагил гулзор.
Мен сенинг кўнглингнинг харидориман,
Сочларим пояндоз, юрак ғамгусор.

ИШҚ ЭШИК ҚОҚДИ

Эшигимни муҳаббат қоқди,
Туйғуларим сел бўлиб оқди.

Sohir tuyg'ular



Ўшал суқсур ишқ бўлиб боқди,
Дилгинамга аланга ёқди.

СЕВГАНИНГ РОСТМИ?..

Булбулга менга займан, сайрайди тилинг,
Мени кўрган чоғинг яйрайди дилинг.
Наҳот туташ бўлса ул тақдир йўлинг,
Севганинг ростми, айт! Айтгин, сен ўзинг.

Моҳигул БОБОЕВА



Антиқа соврин

Буюк Британиялик голф ўйинчиси Люк Доналд Японияда ўтказилган голф мусобақасида голиб бўлди ҳамда ютуқ сифатида унга нақ тўқсон килограмм мол гўшти совға қилинди.

Маълумотларга қараганда, соврин сифатида унга сигир берилиши керак эди. Бироқ жониворни олиб кетиш имкони бўлмагани туфайли сигирни сўйиб беришларини илтимос қилган. Ҳозирча у олган гўшт саксон минг АҚШ доллари дея баҳоланмоқда. Гўштининг қимматлигига эса сигир етиштирилган Миядзаки фермасининг юқори нуфузи сабаб қилиб кўрсатилди. Одатда, бу фермада етиштирилган бир килограмм гўшт 900 АҚШ долларига баҳоланади.

Эшаклар маконига даҳл қилманг!

Венгрияда эшаклар ҳужуми натижасида 65 ёшли пенсионер Шандор Хорват вафот этди.

Унинг жасади эшаклар боқилади-ган фермадан топилди. Айтишларича, Хорват ўз скутеридан ферма ичидан ўтиб кетаётганда унга агрессив икки эшак ҳужум қилади. Улар қарияни тишлайди ва тепади. Натижада воқеа жойининг ўзида Хорватнинг жони узилган. Мутахассислар унинг жасадини кўрганларида ҳам анча вақтгача эшак ҳужум қилган деган тахминдан узоқ бўлдилар. У итлар ёки бўрилар ҳужумига учраган деган тахмин бор эди.

Ветеринарлар сўзларига кўра, эшак одамга ўз-ўзидан ҳужум қилмайди, лекин эшаклар ўз ҳудуди-га кирганларни ёқтирмаслигини ҳам айтиб ўтишди. Хорватнинг қизи эса жониворларни айблаб, бир неча йилдан бери хавфли кўринаётганини эслади. Полиция эса эшакларни фақат фермадан чиқармаслик мумкинлигини, уларга доир бирор қонун-қоида йўқлигини айтиб ўтди.

Дунёнинг энг бой ИНСОНИ

Билл Гейтс дунёнинг энг бой одами унвонини яна қайтариб олди. Мазкур йилда Гейтснинг бойлиги 72,7 миллиард долларни ташкил этмоқда, бу ўтган йилги кўрсаткичдан тахминан 10 миллиард долларга кўп.

Билл Гейтс сўнгги икки йил давомида жаҳоннинг энг бой одами бўлиб келган мексикалик медиамагнат — Карлос Слимни биринчи ўриндан сиқиб чиқарди. Ҳозирда Слимнинг бойлиги 72,1 миллиард долларни ташкил этмоқда. Билл Гейтс бойлигининг катта қисми унга тегишли «Cascade Investments» холдингининг томонидан назорат қилинади. «Microsoft»нинг ўзи эса Гейтс бойлигининг тўртдан бир қисмини ташкил этади.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади



Bolalar sporti

Юртимизда донгдор чемпионларни камолга етказётган спорт масканлари орасида Чилонзор болалар спорт мажмуасининг алоҳида ўрни бор. Кеча бу даргоҳда терга ботиб машғулларда иштирок этган тенгдошларимиз бугун жаҳон майдонларида юртимиз доврўғини таратмоқда.

Мазкур мажмуада стол теннис билан шуғулланаётган тенгдошларимиз — Исмоил Ниғмонов, Анвар Ҳамидов, Нуриддин Обиджонов катта ниятни кўнгилга туккан. Улар нафақат жаҳон, Осиё чемпионатларида ғолиб бўлиш, балки соғлом, етук инсонлар бўлиб камолга етиш учун ҳам ўз устида изланишдан тўхтамайди.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ
фотолавҳаси

Sport

11 июнь куни футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йил Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида чиқиш йўлидаги навбатдаги синовдан ўтади. Ўша куни Миржалол Қосимов шогирдлари меҳмонда Жанубий Корея терма жамоаси билан куч синашади.

Ҳал қилувчи паллалар яқин



Ушбу ўйинга тайёргарлик кўриш мақсадида терма жамоамиз 2 июнь куни Тошкентда тўпланади. Орадан икки кун ўтгач, яъни 4 июнь куни Хитойга жўнаб кетадиган вакилларимиз 6 июнда Хитой термаси билан ўртоқлик учрашувида майдонга тушади. Хахот шаҳрида ўтказиладиган мазкур ўйин терма жамоамизнинг кореяликларга қарши учрашувидан олдин муҳим тайёргарлик вазифасини ўтаб беради.

Эслайтиб ўтамиз, жамоамиз ҳозирча, жаҳон чемпионатининг тўртинчи босқич саралаш учрашувларида ўз гуруҳида 11 очко тўплаган ҳолда етакчилик қилмоқда.

Нигина МАМАТҚУЛОВА

YON DAFTARCHANGIZGA

Нафсини тийган киши сўлтон бўлур,
Нафсини тиймаган киши ултон бўлур.

Ўзбек халқ мақоли

Kaleydoskop

Кўзлар нелардан сўзлар?

Аниқланишича, инсонда юз хилга яқин кўз қарашлари бор экан. Шунингдек, амалиётчи психологлар бирор-бир киши тўғрисида маълумотга эга бўлиш учун кўзлар энг кўп ахборот берувчи тана аъзоси эканини таъкидлашади. Масалан, кишининг чин ёки ёлғон гапираётганини кўзига қараб билиш мумкин экан.

Агар суҳбатдошингиз суҳбат вақтининг учдан бир қисмидагина кўзингизга қараса, унинг сўзларини яхшилаб мулоҳаза қилиб кўринг. У рост гапираяптими? Аксинча, суҳбат вақтининг учдан икки қисмида унинг кўзлари сизнинг кўзларингиз билан уч-

рашса, ишончингиз комил бўлсин, унинг гаплари рост.

Қизиқиш, ҳайрат, ҳаяжон ҳолати ҳам кўзлар ёрдамида осон аниқланади. Бунда кўз қорачиқлари муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг катталари инсонда қизиқиш, ҳаяжон ёки ҳайрат мав-

жудлигидан дарак беради. Қарангки, қадимда хитойлик дур-гавҳар савдогарлари ушбу ҳолатдан унумли фойдаланган экан. Улар харидорнинг кучли қизиқиши ва сотиб олиш учун қаттиқ хоҳиши борлигини кўз қорачиқларининг катталари билан аниқлашиб, бундан фойдаланган ҳолда ўз маҳсулотларини қимматроқ пуллашга уринишган экан.

Психологларнинг таъкидлашларича, кўз рангларидан инсонларнинг айрим характерларини билиш мумкин. Мисол учун, кўк (ҳаворанг) ранг-

даги кўз соҳиблари кўп ҳолларда ўз ёшларига нисбатан ёш кўриниб, ўзлари меҳрибон ва босиқ бўлишаркан. Жигарранг кўз соҳиблари жозибали, ғамхўр ва хушмуомала бўлишлари эътироф этилган.

Қора кўзли инсонлар эса содиқ, некбин ва бироз сирли инсон сифатида тавсифланади.

Яшил кўзлилар, асосан, қизиқувчан, синчков, шу билан бирга, ўқимишли бўлар эканлар.

Акобир АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент ислом университети талабаси

Ёзинг сўнги ойи	Юз, башара, турк	Қонун қисми	Катта уй, иморат	Ражабов (хонанда)																
	Она юрт	Ёзувчи, ижодкор				Кўл қисми	Мазкур, шу	...-садо											Шаҳар (Бельгия)	
			Офис, идора	Ганч-корлик хом-ашёси																
	7 6	9 3								Гавда қисми, кифт	Калта-кесак тури		4 8			2 3			Ер шарининг сувук томони	
		2 7	1 8										8		2	7				
	1 3		5	Кристиан (косметика)	Университет раҳбари									Оде-коллон, ...-ула	9		4	3 8		
		8	2 3												5 7	1	3		5	
	8 7	2 3							Ойи, ая (шевада)	Жўналиш келишиги кушим-часи					3	7				
		4 3													4 2			5		
		6 8	4 1												7 9		2 6			
				Оқлаш бўёғи	Помидор ачитқиси, кетчуп											Пуфак				
Устки кийим	Жўса, гавда, вужуд	Сўзла, гапир	Инерт газ тури							Гуруч қўшандаси									Костюм...	
									Авто-инспектор асбоби											Актёр ижроси

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



91722010699000

Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Умарова Наргиза Баҳодировна

Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табақ.
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-543.
Адади — 13598

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.15
ЎЗА якуни — 21.00

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6